



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 164 (1763), 2026 йил 14 август, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

13 август куни Президент Шавкат Мирзиёевга тадбиркорлар билан навбатдаги очик мулоқотга тайёргарликнинг бориши юзасидан ахборот берилди.

Мамлакатимизда анъанага айланган ушбу мулоқот тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни бевосита ўрганиш, уларга амалий ечим топиш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бўлажак олтинчи очик мулоқотга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 15 майдан бошлаб 50 дан ортиқ вазирилик ва идора вакилларида иборат республика штаби ташкил этилган. Штаб 24/7 режимда узлуксиз фаолият юритмоқда.

Колл-марказ ва расмий ботлар орқали тадбиркорлардан 6 мингга яқин мурожаат келиб тушган. Уларнинг 4,2 мингдан зиёди ижобий ҳал этилди, 1,8 мингга яқинини кўриб чиқиш давом этмоқда.

Тайёргарлик доирасида масъул ташкилотлар томонидан 750 дан зиёд учрашув ўтказилиб, уларда 8,8 мингдан ортиқ тадбиркор иштирок этди ва 3,5 мингдан зиёд таклиф ҳамда масалалар билдирилди.

Бизнес-омбудсман ва Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган 130 дан ортиқ учрашувда эса 5,7 мингдан зиёд тадбиркор қатнашиб, 1,5 мингга яқин масалани ўртага ташлади. Аниқланган муаммоларни тубдан ҳал қилиш ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тегишли вазирилик ва идоралар билан биргаликда таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, республика бўйича 5 минг 72 нафар тадбиркор ўртасида сўровнома ўтказилди. У орқали корхоналар самарадорлиги, инвестиция ва инфраструктура таъминоти, солиқ маъмуричилиги, ташқи савдо ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасидаги масалалар ўрганилди.

Сўров иштирокчиларининг 93 фоизини маҳаллий хусусий корхоналар ташкил этди. Унда савдо, хизмат кўрсатиш, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳалари қамраб олинди.

Таҳлиллар корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни пасайтириш бўйича ҳали катта имкониятлар

борлигини кўрсатди. Рақамли платформалар, сунъий интеллект, энергия тежамкор технологиялар, янги маҳсулот ва ишлаб чиқариш усуллари жорий этган корхоналарда сотув, рақобатбардошлик, иш ҳақи ва инвестиция кўрсаткичлари юқори бўлмоқда.

Хусусан, камида учта самарадорлик чорасини жорий этган корхоналарда таннархни пасайтириш эҳтимоли 4,1 баробар, иш ҳақини юқори суръатда ошириш имконияти 2,1 баробар кўп. Бироқ бундай чораларни уч ва ундан ортиқ йўналишда қўллаётган корхоналар улуши атиги 11,6 фоизни ташкил этган. 28,5 фоиз корхона эса бу борада бирорта ҳам чора кўрмаган.

Корхоналарнинг 51 фоизида сўнгги даврда янги маҳсулот, хизмат ёки инновация жорий этилмаган, модернизация ишлари амалга оширилмаган. 40 фоиз корхона охириги бир йилда умуман инвестиция киритмаган, 29 фоизида келгуси бир йил учун ҳам бундай режа мавжуд эмас. Кредит фоизларининг юқорилиги, гаровни паст баҳолаш, ҳужжатларнинг кўпчилиги ва кредит расмийлаштириш муддатларининг узоклиги асосий тўсиқлар сифатида кўрсатилган.

Сўров натижаларига кўра, корхоналарнинг 38 фоизи таннархни пасайтириш чораларини кўрмаган. 53 фоизида маҳсулот ва хизматлар таннархи ошган. Бунга асосан хомашё нархи, энергия ва логистика харажатларининг кўпайиши сабаб бўлмоқда. Шунингдек, 43 фоиз корхона энергия тежаш чораларини кўрмаган, 49 фоизи қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланмайди.

Инфраструктура таъминоти ҳам тадбиркорларни қийнаётган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Сўровномада тадбиркорлар тез-тез узилишлар, кучланиш ва босимнинг пастлиги, лимит ҳамда тарифлар билан боғлиқ масалаларни қайд этган.

Сўров иштирокчилари солиқ маъмуричилиги бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилганини эътироф этган ҳолда, текширувлар ўтказиш ва қўшилган қиймат солиғини қайтариш билан боғлиқ жараёнларда мавжуд муаммоларни кўрсатиб ўтган. Шу билан бирга, тадбиркорларнинг 94 фоизи барқарорлик рейтингини амалиётининг улар фаолиятига таъсирини юқори баҳолаган.

Сўровда қатнашган корхоналарнинг 22,3 фоизи ташқи савдо билан шугулланади. Хорижлик миқдор топиш, маҳсулотни сертификатлаш, логистика, молиявий воситалар, божхона жараёнлари, бозор ҳақида маълумот ва маркетинг кўникмаларининг етишмаслиги экспортдаги асосий тўсиқлар сифатида кўрсатилган.

Суд-ҳуқуқ соҳасида малакали юридик ёрдам олиш имконияти ва давлат харидлари шаффофлиги ижобий баҳоланган. Айни пайтда тадбиркорларнинг 73 фоизи мажбурий ижродаги бюрократик жараёнлар бизнесга салбий таъсир кўрсатаётганини билдирган.

Давлатимиз раҳбари келиб тушган мурожаатлар ва сўров натижаларини ҳудудлар ҳамда соҳалар кесимида чуқур таҳлил қилиб, тадбиркорлик ривожига тўқсинлик қилаётган тизимли муаммолар бўйича аниқ ечимлар ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Корхоналар самарадорлигини ошириш, инновация ва энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, кредит ва инфраструктура масалаларини ҳал қилиш, солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш, экспортчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини қучайтириш юзасидан таклифлар тайёрлаш топширилди.

Очиқ мулоқотда кўтариладиган ҳар бир масала бўйича аниқ ечим, уни амалга ошириш механизми, масъуллар ва муддатларни белгилаш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ХУДУДЛАРДА ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга “Янгийўл тажрибаси” асосида ҳудудларда истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш, тармоқлардаги йўқотишлар ва дебиторлик қарздорликни кескин камайтириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Аввалроқ ушбу тажриба асосида ҳар бир ҳудуддан биттадан танлаб олинган 14 та туманда намунавий тизим яратиш вазифаси қўйилган эди. Шу мақсадда ишлар “маҳаллабай” ташкил этилиб, энергетика соҳасидаги муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва манзилли чоралар кўриш йўлга қўйилди.

Бу 916 та маҳалла, 832 мингта хонадон, 49 мингта тадбиркорлик субъекти ва 2,2 мингдан ортиқ ижтимоий соҳа объектини қамраб олди. Ҳар бир маҳалла бўйича энергетик паспорт ва энергия ресурсларига талаб баланси шакллантирилди.

Натижада илк бор маҳаллалар кесимида мавжуд талаб ва имконият ўртасидаги тафовут аниқ ҳисоб-китоб қилинди. Жумладан, 265 та маҳаллада 60 мегаватт электр қуввати, 42 та маҳаллада эса йилга 47 миллион куб метр табиий газ тақчиллиги борлиги аниқланди. Айни пайтда 207 та маҳаллада қувват захираси мавжуд.

Бундай ёндашув келгусида энергия ресурсларига бўлган талабни олдиндан ҳисоблаш ва зарур инфраструктурани ўз вақтида тайёрлаш имконини беради.

Шу асосда электр ва газ тармоқларини янгилаш ишлари жадаллаштирилди. 14 та туманда 5 минг 695 та трансформатор, 6,9 минг километр электр тармоғи, 242 километр газ тармоғи ҳамда 404 та газ тақсимлаш қурилмаси таъмирталаб экани

аниқланди. Уларнинг техник ҳолатини яхшилаб, “яшил” тоифага ўтказиш ишлари бошланди.

Ҳозирга қадар 441 та трансформатор, 1 минг 134 километр электр ва 88 километр газ тармоғи, шунингдек, 92 та газ тақсимлаш қурилмаси таъмирланди.

Аввалги йилларда инвестиция дастурлари доирасида бошланган, бироқ якунига етказилмаган объектларнинг бир қисми ҳам фойдаланишга топширилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, келгуси беш йилда мазкур туманларда энергия ресурсларига талаб 49 фоизга ошиши кўтилмоқда. Шу боис, истиқболда ишга тушириладиган лойиҳаларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли ва тадбиркорларни энергия ресурслари билан ишончли ҳамда барқарор таъминлашга қаратилган беш йиллик дастур ишлаб чиқилди.

Унда 721 та маҳаллада 2 минг 261 та трансформатор ва 7 минг 449 километр электр тармоғи, 200 та маҳаллада эса 313 та газ тақсимлаш қурилмаси ва 327 километр газ тармоғини янгилаш белгиланди.

Бу ишлар натижасида ҳудудларда қўшимча 1 минг 300 мегаватт ўтказувчанлик қуввати яратилиши кўзда тутилган.

Ижтимоий соҳа объектларидаги энергия истеъмоли ҳам ўрганилди. Жами 1 минг 938 та объектнинг энергия сарфи таҳлил қилиниб, самарадорлиги паст бўлган 226 таси “қизил” тоифага киритилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиёти ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича салмоқли натижаларга эришиб келаётгани, ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини намоён этиб, инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий хизматлар кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётгани, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвони билан

Болтаев Одилжон Олимжонович — Самарқанд шаҳридаги “Azia metall prof” масъулияти чекланган жамиятининг ривожлантириш ва инвестиция масалалари бўйича директори, Самарқанд вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими” фахрий унвони билан

Хамраев Бахтиёр Джаббарович — Навоий шаҳридаги “Gidro stanko servis” масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони билан

Исаков Муҳсинжон Қосимжонович — Марғилон шаҳридаги “426-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма механизмлар колоннаси” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Фарғона вилояти

Бабаханов Ёрқин Хаитмуратович — Бўстонлиқ туманидаги “Central Asian constriction” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

➤ *Давоми 2-бетда*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

“ФАОЛ ТАДБИРКОР” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасида илғор тажриба ва анъаналар мактабини яратиш борасида алоҳида ибрат ва намуна кўрсатиб келаётгани, ўзининг изланувчанлиги, креатив ғоя ва ташаббуслари билан самарали фаолият олиб бориб, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётгани, бизнесда эришаётган салмоқли натижалари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар **“Фаол тадбиркор” кўкрак нишони** билан тақдирлансин:

Бегжанова Салима Ражафдиновна — Бўзтов туманидаги шахсий томорча ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Илясова Эльвира Аскарбаевна — “Хунарманд” уюшмасининг Қўнғирот тумани бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Калназаров Баҳадур Ибатович — Қўнғирот туманидаги “Ustyurt sodium sulfate” масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Машаринов Азат Базарбаевич — Беруний туманидаги “Уста Бозорбой” хусусий корхонаси таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мустафаев Азат Есбосинович — Тахياتош туманидаги “Atiyaj gulzar” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Сабуров Дилшод Кабулжанович — Тўрткўл туманидаги “Baraka tekstil group” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Шимбергенов Азат Адилбаевич — Нукус шаҳридаги “Nukus evro stroy”

масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Дусмуратов Мирзадиёр Мирзагайратович — Андижон туманидаги “Makon Mirzo” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Рахимов Юнусжон Нематович — Балиқчи туманидаги “Sokin savdo servis” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Рахматова Бузайнаб Мирсаитовна — Олтинкўл туманидаги “Pergament Snegurochka” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Сайфутдинова Шахноза Алишер кизи — Марҳамат туманидаги “XXI аср академияси” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Андижон вилояти

Турсунов Жомолдин Останакулович — Хўжабод туманидаги “Everest MMM” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

➤ *Давоми 2-бетда*

ИСЛОҲОТЛАР БАҲОСИ

ОДАМЛАР ҲАЁТИДАН ЙЎҚОТИЛГАН МАШАҚҚАТЛАР БИЛАН ЎЛЧАНАДИ



Президентимиз 2021 йилда “Бутунги Ўзбекистон — бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган янги Ўзбекистон эмас” деган эди. Бу иқдор ислохотни тайёр галаба сифатида кўрсатишдан кўра масъулиятлироқ. Чунки мавжуд камчиликни тан олмаган давлат уни тузатиш учун ҳам чора изламайди.

Бу гал биз назарда тутаятган “йўл” сўзи шунчаки метафора эмас. Гап мамлакатнинг қишлоқ йўлларида тортиб, халқаро автомагистралгача, темир йўлларида метрогача, ҳаво қўналғасидан транзит йўлагигача бўлган ҳаракат тизими ҳақида боради. Аниқроғи, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон транспорт тафаккурига олиб кирган энг муҳим янгиллик — йўлни алоҳида қурилиш объекти эмас, инсон, иқтисодиёт ва давлатни ҳаракатга келтирадиган яхлит тизим сифатида кўра бошлагани ҳақида.

“Дада, йўлдан юрайлик...”

Туғилиб ўсган қишлоғим — Болғалидан ўтадиган Фориш — Челак тош йўли, янглишмасам, 1983 ёки 1985 йилларда асфальтланган эди.

Эл йўл қурганини яхши кўради. Ўша йўлни бунёд этган йўлсозлар роса яйраган: кимникидадир тушлик тайёр, кимникида кечки овқат. Нонушталари ҳам болсиз, қаймоқсиз бўлмаган бўлса керак уларнинг...

Ўша йўлдан 1995 йилларгача маза қилиб юрдик. Кейин 2024 йилгача — қарийб ўттиз йил — ўша “маза”нинг товонини тўладик.

“Йўл азоби — гўр азоби”, деган гапни ҳар бир болғалилик, ҳар бир гарашалик, ҳар бир нарвонлик, қўйингки, бу қишлоқларни бир ҳудудга бирлаштирган Қорабдолда яшаган ҳар бир шўрлик ўз танасида ҳис қилди.

➤ *Давоми 3-бетда*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ВАКИЛЛАРИДАН
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”
фахрий унвони билан

Ахмедов Бахтиёр Эргашевич — Бахмал туманидаги “Кўшчинор меваси” фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

“Фидокорона хизматлари учун”
ордени билан

Казимов Ботир Хайдарович — Тойлоқ туманидаги “Bog’izog’on” масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Умиразов Шункар Умарович — Оҳангарон туманидаги “Сарвар Азиз Умарода рамзи” фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Шарипов Умарбек Куранбаевич — Урганч туманидаги “Тилло домор” хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Ахмедов Қодиржон Махмудович — Ўзбекистон туманидаги “Turon eco cement group” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

Машаринов Отагон Каримберганович — Хива туманидаги “Чинобод қурилиш” хусусий корхонаси директори, Хоразм вилояти

Сайнуридов Сандгаффар Мухитдинович — Оҳангарон шаҳридаги “Premier electrotech” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Ураимов Исроилжон Хакимович — Хўжаобод туманидаги “Ал-Ҳаким” хусусий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Абдурахманов Абдулазиз Абдуқадиорович — “My freighter” ва “Centrum air” хусусий авиакомпаниялари таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Бабица Растислав — “AZC group” компаниясининг Марказий Осиё бўйича ижрочи директори

Ганиев Боисхон Баситович — Шайхонтоҳур туманидаги “United soft” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

Исматуллаев Жамшид Хайруллаевич — Чуст туманидаги “Chust textile” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

Клаин Роберт — “Votalia” компанияси бошқаруви раиси

Кодиров Бехзод Норматович — Бойсун туманидаги “Нарзи қушбеги” хусусий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Маматқулов Ойбек Ахмедович — Зомин туманидаги “Azim Zomin shifo” масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

Маткаримова Ханифа Сапаевна — Богот туманидаги “Дилшода Дилшодбек Манзура” фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Мирзазонов Шермухаммад Қозимович — Янгийўл туманидаги “Imperial granit” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Турумов Холмирза Алмахматович — Яккабоғ туманидаги “Оқтош келажаги” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Ўрал Ўзкан — “Odas Enerji SA” компанияси раҳбари

Усманов Аъзам Анварович — Тўрақўрғон туманидаги “Namangan qo’ychilik klasteri” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

Хамидов Адахамжан Абдураимович — “Фортекс” компанияси раҳбари

Хужамов Ботир Мамадалиевич — Балиқчи туманидаги “Чинобод нуриль замин агрофирмаси” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Юлдашев Икрам Ялгашевич — Нукус шаҳридаги “Karakalpak palace hotel” масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

“Мардлик” ордени билан

Жуманиёзова Рохат Ишимовна — Тупроққалъа туманидаги “Маржона Сабохон” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Қўшшаев Афзал Ахмадович — Шофиркон туманидаги “Жилвон жилоси 2020” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Махкамов Отабек Эркинович — Ижтимоий тармоқлардаги “MrOtabekTV” саҳифаси асосчиси, блогер

Мусаев Музаффархон Обосхонович — Кичик бизнес уюшмаси раиси ўринбосари

Урунбоев Матруф Ҳусан ўғли — Нарпай туманидаги “Narpay strategy up” масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

II даражали “Саломатлик”
ордени билан

Назарова Хадича Абдуллаевна — “Саломатлик плюс экология” нодавлат нотижорат ташкилоти бошқарув кенгаши раиси, Фарғона вилояти

Рахимий Шариф Уктамович — Урганч шаҳридаги “Surge med” хусусий клиникаси бош шифокори, Хоразм вилояти

“Соғлом турмуш” медали билан

Атабоев Хусан Каримович — Сергели туманидаги “Atabaevs production” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Баратов Шонслом Абдугани ўғли — Гулистон шаҳридаги “Ideal study” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Сирдарё вилояти

Кенжаев Анвар Олимович — Бухоро шаҳридаги “Амиршоҳ 777” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

“Жасорат” медали билан

Қурбонов Асрор Шомуротович — Нишон туманидаги шахсий томорка ер эгаси, Қашқадарё вилояти

Қурбонов Фуркат Фарҳод ўғли — Термиз шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркор, новвой, Сурхондарё вилояти

Очилова Зулфия Тўраевна — Пешку туманидаги “Зулфия Тўра қизи” фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

“Келажак бунёдкори” медали билан

Баҳодиров Шохрух Бахтиёрович — Шаҳрисабз шаҳридаги “Lazzat pishloq” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Максудов Бекзод Улугбек ўғли — Мирзо Улугбек туманидаги “Intest max” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Нурмухамедов Элбек Тимурович — Яшнобод туманидаги “East-games” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Солiev Мухаммадхон Бобиршоевич — Самарқанд шаҳридаги “Инновацион маскан” нодавлат таълим муассасаси директори, Самарқанд вилояти

“Шуҳрат” медали билан

Адамбоев Тохиржон Акбаралиевич — Сергели туманидаги “Barakat-alfa” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Дадахонов Даврон Тохирович — Юнусобод туманидаги “Global exprot comrany” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Жаббарова Юлдуз Хасановна — Шароф Рашидов туманидаги “Ю-Мева” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Махмудов Фарход Гайратович — “Brio group” акциядорлик жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Муртазаев Шохрух Давронбекович — Яшнобод туманидаги “Cinema store” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Норбоева Моҳичехра Нусратилloевна — Ҳозгон шаҳридаги “Ҳозгон чевар қизлари” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Навоий вилояти

Обидов Дадахон Одилевич — Сергели туманидаги “Хоп films” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Олимова Инобат Равшановна — Хатирчи туманидаги “Султонали Жавоҳир” фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Пан Евгения Леонидовна — Иштихон туманидаги “Samarkand stone trade corporation” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2026 йил 13 август

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Пардаев Салоҳиддин Сайдуллоевич — Термиз шаҳридаги “Файзи Меҳринисо қурилиш” хусусий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Сагдиев Темур Хайруллаевич — Миробод туманидаги “Design studio” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Султанов Мирсаид Саламатдинович — Нукус шаҳридаги “Ажинияз Қарақалпақ” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Султоналиев Бобуржон Ботирали ўғли — Қувасой шаҳридаги “Crown ceramic” масъулияти чекланган жамияти директори, Фарғона вилояти

Туляганов Гафур Ахмаджанович — “Ahmad oltin jo’ja” ресторонлар тармоғи асосчиси, Тошкент шаҳри

Умирзоков Ойбек Тажибевич — Асака туманидаги “Everest metall grand” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Ўринов Шерали Бобоқулович — “Fayz” миллий таомлар тармоғи асосчиси, Тошкент шаҳри

Устаджалилов Дантес Фарҳодович — Гулистон шаҳридаги “Dantes construction” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сирдарё вилояти

Хайруллаев Азим Абдурасулович — Бухоро туманидаги “Tekhnoschem” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

Хамидов Лазизбек Ёдгарович — Мирзо Улугбек туманидаги “Tasnif group” масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

Худойбердиева Зиёдахон Аъзамжоновна — Ўрта Чирчиқ туманидаги “Ziyotrans” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Чориева Гулнора Джуракуловна — Шаҳрисабз шаҳридаги “Тикувчи Анаргул” хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Юсупов Шуҳрат Фазлитдинович — Сергели туманидаги “Makiz baraka” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ш. МИРЗИЁЕВ



2026 йил 14 август, 164-сон

ИСПЛОҲОТЛАР БАҲОСИ

ОДАМЛАР ҲАЁТИДАН ЙЎҚОТИЛГАН МАШАҚҚАТЛАР БИЛАН ЎЛЧАНАДИ



Абдулҳамид МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Дорулфунунни битириб, аввал “Маърифат”, сўнгра “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарида ишладим. Ҳуллас, пойтахтлик бўлдим. Ана шу пайтда 1976 йили ишлаб чиқарилган “Жигули” м бўларди. Гоҳ-гоҳ қишлоққа бораман, қайтган эса, албатта, устaxonага йўл оламан.

“Ходовой”ни тузатиш керак. Йиртилган шинани яматтиш керак... Негаки қишлоқнинг ички йўли у ёқда турсин, давлат аҳамиятига молик Тошкент — Нукус автомобиль йўлининг аҳоли ҳам йиғламоқдан бери эди.

Форишдан Болғалигача масофа 35 километр атрофида. Гараша ва Нарвон бундан ҳам узоқроқ. Ана шу 35 километрни пойтахтда машинасини “пуф-пуф”лаб, кунига икки маҳал адирак-суртиб юрадиган биздай олифталар қарийб икки соатда босиб ўтардик. Йўл ўй-дим-чуқур. Соатига 10-15 километрдан ортқ юриб бўлмайди. Озгина зарда қилсангиз, бас: машинанинг тагини қарсиллатиб тошга урасиз. Сал қалгисангиз, гилдирак расво...

Марҳум устоз Саъдулла Ҳакимнинг Гара-шасига отланган меҳмонлар уловини туман марказида қолдириб, бу йўللarda “учиб” юрадиган “Нива” ёлаганини устознинг ўзи айтиб берган эди.

— Уруш вақтидаги бунақа йўллар бўлмаган бўлса керак. Бизнинг нарвонликларгаём балии, шу йўллarda тўзиб кетмайди...

Хуллас, шу йўллardan қатнаб-қатнаб болаларимизнинг эси қирди.

Бир сафар қишлоққа оливайий йўл олдик. Ҳозир икки фарзанднинг онаси бўлган катта қизим ўшанда бешинчи синфда ўқирди. Орқа ўриндиқда йўл чарчоғидан толиқиб, ўтирган алфозда ухлаб қолди. Мен бўлсам йўлдан йўл қидираман: рулни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бураман, баян охишта юраётганимга қарамай илкис тормоз беришга тўғри келади.

Ўртада ухлаётган боланинг аҳолини тасаввур қилинг. Ҳали чапга, ҳали ўнгга, ҳали олдинга қалқиб кетади. Охири ёрилади:

— Дада-а, йўлдан юрайлик, илтимо-ос...
Бола биймайдики, рулдаги ота ҳам шуни истайди.

Фақат қани ўша йўл...

Мутасаддиларни уйғотган туртки

2023 йили Болғали қишлоғининг асосий йўлини тиклаш ташаббуси “Очиқ бюджет” ахборот порталдаги “Ташаббусли бюджет” жараёнига киритилди. 2024 йилда йўл тўлиқ қайта бунёд этилди. Яқинда Болғалининг Пайариқ тумани маркази билан боғлайдиган, адирлар орасидан ўтган мутлақо янги йўл ҳам фойдаланишга топширилди.

— Биз бу кунларни 28 йил 2 ой-у 19 кун кутдик, — дейишмоқда энди ҳамқишлоқлар Робинзон Крузога ишора қилувчи мутўйиба билан.

Бу ҳазил тағида шукрона ҳам, алам ҳам бор. Чунки одам йўл қўрилганидан қувонан экан, фақат асфальтни ўйламайди. Йўқотган вақтини, пачоқланган машинасини, чаг ютган болаларини, кечиккан тез ёрдамни, бозорга етмай бўзилган маҳсулотини эслайди.

“Ташаббусли бюджет” йиллар давомида эшитилмаган эҳтиёлларни давлат бюджети параметрларида қўрашиб берди. Илгари қишлоқ аҳли йўл сўраб идора эшигида наваб кутган бўлса, энди унинг тақлифи бутун мамлакат қўрайдиган электрон майдонга чиқди. Давлатимиз раҳбарининг “Тақлиф ва ташаббуслар илгаригидек фақат “тепа”дан эмас, балки кўпроқ

“қўйи”дан бўлмоқда” деган фикри шу жараёнинг сиёсий мазмунини ифодалайди.

Президентимизнинг 2025 йил 29 августдаги “Ташаббусли бюджет жараёларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори овозлар маррасига ета олмаган бўлса-да, одамларнинг кундалик ҳаёти учун кечиктириб бўлмайдиган айрим лойиҳаларни депутатлар орқали танлаб, республика бюджетни маблағлари ҳисобидан қўлаб-қувватлашга имкон яратди.

Маҳалла йўлидан миллий магистралга

2026 йил 22 июль кўни Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида Тошкент — Самарқанд йўналишидаги янги муқобил автомагистраль қўрилишига тамал тошини қўяр экан, Президентимиз “Бугун бу соҳада том маънода янги давр бошланмоқда, десак тўғри бўлади”, деди.

Бу жумла тантанали маросим руҳига мос сўз айтишдан кўра каттароқ мазмунга эга. Чунки Ўзбекистонда илк бор энг юқори тоифадаги, ҳаракат оқими тўлиқ бошқариладиган, олти тасмали автомагистраль барпо этилмоқда.

Лекин ҳоқеани “давлатимиз раҳбари халққа янги йўл совға қилмоқда” деган тарзда талқин қилиш ўта жўнлик бўлар эди. Бу ўринда мамлакатимиз етакчисининг хизмати йиллар давомида пайдо бўлган эҳтиёжни теран англай олишида, уни техник-иқтисодий Ҳаётдан асослашда, молиялаштириш манбасини, пудратчини аниқлаб, муддат ва жавобгарликка эга амалий қарорга айлантиришда намоён бўлади.

Айнан шу маънода давлатимиз раҳбари бу жараёнда саховатпеша ҳомий эмас, тезкор, хавфсиз ва мустақил транспорт йўлагчи мамлакат келажиги учун нақадар зарурлигини эъ вақтида англаб етган буюк етакчи сифатида ўртага чиқмоқда.

Ушбу йўл узунлиги қозғоғда 282 километр деб белгиланган. Амалда эса қарийб 2,2 миллиард долларлик бутун бошли муҳандислик тизимидир. Бу йўл Тошкентдан чиқиб, Сирдарё ва Жиззах орқали Самарқандга етиб боргунча 13 туман ҳудудини кесиб ўтади. Шу масофанинг ўзида дарё ва жарларга солинадиган 92 кўприқ, ҳаракат оқимларини бир-бирига аралаштирмай ўтказадиган 28 иншоот, ер бағридан ўтадиган 60 туннелли йўлак, алоҳида ер ости ўтқи жойлари ҳамда сув иншоотлари қурилади.

Йўлнинг “бадани” одаддаги асфальтдан эмас, огир юк ва юқори тезликка чидамли мо-нолит деб ботондан. Унда соатига 150 километрга-ча тезликда ҳаракатланиш мумкин. 2030 йилга-ча бўлган муддат ҳам белгиланган.

Муҳандисларнинг ҳисобига кўра, бу йўлак бир кеча-кундузда 60 мингдан 80 мингтагача автомобиль оқимини ўтказса олади. Тошкентдан Самарқандга беш соатда эмас, икки ярим соат-да етиб боришга имкон беради. Бу икки ярим соат йўловчи учун оиласига ва ишига қайта-рилган вақт, тадбиркор учун айланма маблаг-нинг тезроқ қайтиши, ташувчи учун қўшимча рейс, деҳқон учун маҳсулотнинг бозорга сифатини йўқотмай етиб боришидир.

Ушбу автомагистраль йўқ жойдан пайдо бўлган шов-шувли мегалоиҳа эмас. У маҳалла кўчасидан халқаро йўлаккача кўтарилган сие-сатнинг энг балан дебсқинчидир. Рақамларни бир қаторга терсак, бу йўлнинг пойдеворни анча олдин қўйила бошлагани кўринади. Респу-бликада 2017-2023 йиллар оралиғида 65 минг километр йўл қурилиб, таъмирланди. Қарийб уч минг маҳаллада илк бор асфальт қопламали йўл қилинди, яна икки минг маҳалланинг туп-роқ кўчаларига шағал ётқизилди. 2026 йилда ўн йиллик ишлар сарҳисоб қилинганда эса 78 триллион сўм ҳисобига турли даражада қўрилган ёки таъмирланган йўллар қамрови 128 минг километрга етгани ойдинлашди.

Бу рақамларни “128 минг километр мутлақо янги йўл қурилди”, деб ўқиб нотўғри. Гап янги қурилиш, реконструкция ва турли даражада-ги таъмир ишларининг жами қамрови ҳақида кетмоқда. Аммо бир нарсa кундай равшан: йўл сие-сати фақат республика трассаларида эмас, маҳалла ва ички кўчаларда ҳам давлат маблағига ва бошқарувдаги жиддий эътиборга эга бўлди.

“Сифатли йўл одамларнинг кайфияти ва иқтисодийётимиз “артерияси” ҳисобланади”, деган эди Президентимиз 2023 йили.

Демак, эндиғи босқич “кўп километр”дан “узoқ хизмат қиладиган, хавфсиз ва тўлиқ жиҳозланган йўл”га ўтиш босқичидир.

Тушунча ўзгарди

Тарихда йўл хавфсизлиги йўловчи ва кар-вонни қароқчи, талончи ҳамда ўғридан ҳимоя-лаш билан ўлчанган. Қадимий рабoт ва карвон-саройлар шу маънода фақат савдо ёки тунаш жойи эмас, ўз даврининг хавфсизлик инфрату-зилмаси ҳам эди.

Бугунги хавфнинг қиёфаси бошқача. Йўлов-чиға қарама-қарши оқим билан тўқнашув, тар-тибсиз кесилиш, тирбандлик, толиққан ҳайдов-чи, носоз қоплама ва кечиккан тиббий ёрдам кўпроқ таҳдид солади.

Тирбандликнинг ўзи ҳам хавфсизлик ма-саласи. Тиқинда асаби чарчаган ҳайдовчи



йўқотган вақтини қоплашга уриниб, таваккал-дан қувиб ўтади, тезликни оширади. Тиқин эса тез ёрдам ва ўт ўчириш машинаси йўлини тўсди.

Шу боис, хавфсизлик муҳандислиқдан бошланиши лозим. Негаки қарама-қарши оқимларни ажратиш, назорат қилинадиган кириш-чиқиш, пидедалар ва чорва моллари учун алоҳида ўтқи жойлари, тўғри ёритиш, ҳодиса-ни дарҳол аниқлайдиган рақамли марказ, тез ёрдам ва қутқарув нуқталари — буларнинг ҳар бири инсон умрига дахлдор.

Йўлбўйи инфратузилмаси ҳам безак эмас. Ёритилган тўхташ жойи, тоза ҳожатхона, сув, овқатланиш маскани, ёқилғи ва электр қув-ватлаш шохобчаси, шиномонтаж, дорихона ва биринчи ёрдам нуқтаси хавфсизлиқнинг бир қисми. Қадимий карвонсаройлар йўловчилар-ни қароқчилардан, иссиқ-сувқадан, очликдан асраган бўлса, замонавий сервислар мажмуаси уларни чарчоқ ва сарсонгарчиликдан ҳимоя-лаб, қўмақсиз қолдирмайди.

2,2 миллиард доллар қачон қопланади?

Бу саволга жавоб бериш ҳозирча имконсиз. Чунки яқуний йўл ҳақи, кредит фойзалари, қар-зни қайтариш жадалли, эксплуатация ва таъмир харажатлари, имтиёзлар ҳамда пулли йўл опе-раторининг шартлари тўлиқ эълон қилинмаган. Ҳозир очиқ турган молиявий манзаридаги маъ-лум қисим бундай: сарфнинг 85 фоизи Хитой банклари бериши кутулаётган кредитлар, қол-ган 15 фоизи Ўзбекистон бюджети зиммасида. Йўл биттач, уни бошқариш учун яна алоҳида оператор танланади.

Шу сабаб 2,2 миллиардни тахминий йўл ҳақиға бўлиб, “фалон йилда қопланади” дейиш ҳисоб эмас, тахмин бўлади. Қолаверса, кассага тушган ялпи маблагнинг барчаси сармоя қай-тиши эмас: йўлни сақлаш, бошқариш, хавфсиз-лик, қутқарув хизмати ва қарз фойзалари ҳам шу тушумдан қопланади.

Автомагистралнинг молиявий қайтими пу-лли йўл тушумида кўринади. Унинг кенг иқтисо-дий қайтими эса янада улкан: тежалган вақт ва ёқилғи, қаматган амортизация, маҳсулот йўқо-тиши қисқариши, янги лoгистика марказлари, сервис қорхоналари, иш ўринлари, солиқ тушу-ми, туризм ва самарали хавфсизлик.

Дастлабки ҳисобни оддий тилга ўтгирсак, та-шувчининг бугун ҳар 100 сўмга тушаётган ҳа-ражатидан 19-24 сўмини тежаиб имкони пайдо бўлиши мумкин. Магистраль ўтадиган иқти-содий ҳудудлар — Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ялпи маҳ-сулотга 3 фоизли қўшимча қутилмоқда. Жаҳон банкнинг инфратузилма самарасига оид таҳ-лиллари эса сарфланган бир доллар иқтисодиёт бўйлаб айланиб, беш долларгача натижа тугди-риши мумкинлигини кўрсатади.

Бу самара ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Йўл ўтадиган 13 туманда лoгистика маркази, омбор, қайта ишлаш цехи, меҳмонхона, устaxonа, овқатланиш ва дам олиш масканлари ташкил этилса, бу магистраль ўзи ўтган барча ҳудуд-ларнинг иқтисодийётини юксалтириши мумкин.

Акс ҳолда, маҳаллий аҳоли машиналар шoвк-ини ва ер ажратиш оқибатини кўрадию даромад унинг ёнидан ўтиб кетаверади.

У шунчаки тугамайди...

Тошкент — мамлакатнинг сиёсий, молия-вий, илмий ва бошқарув маркази. Самарқанд эса тарихий хотира, маданий мерос ва халқаро туризмнинг энг ёрқин тизмоларида бири. Бу икки шаҳар ўртасидаги йўл оддий географик масофани эмас, бугунги давлат билан унинг тар-ихий идиозини боғлайди.

Қадимда Самарқандни дунёга танитган Буюк ипак йўли фақат савдо қарвонлари юра-диган из бўлмаган. У орқали илм, дин, санъат, хунар, тил ва дунёқарашлар ҳаракатланган.

Янги автомагистраль, тезорар темир йўл ва авиация қатнови ана шу тарихий чорраҳани замонавий иқтисодий ҳаракатга қайта ўлайди.

Сафар вақтининг беш соатдан икки ярим соатга тушиши одамнинг сафар ҳақидаги қар-орига ҳам таъсир қиладди. Беш соатлик йўл алоҳида тайёргарлик талаб қилса, икки ярим соатлик масофа дам олиш кўнги сафарга ай-ланади. Бу музей ва зиёратгоҳга янги меҳмон, хунармандга харидор, меҳмон уйи ва миллий таомлар масканига мижоз олиб келади.

Энг муҳими, йўл Самарқандга тугамайди. У Жиззах, Зомин, Шахрисабз, Бухоро ва жану-бий вилоятлар томон давом этадиган туристик ҳамда маданий йўналишларнинг ҳам ҳаракати-ни тезлаштиради.

Яхлит ҳаракат тизими

Энди мақоламизнинг асосий гапини айтай-лик: Президентимиз Ўзбекистон транспорт тафаккурига олиб кирган янгилик фақат авто-мобил йўли, яна бир поезд ёки янги ҳаво қўналгаси қўришдан иборат эмас.

Янгилик автомобиль йўли, темир йўл, метро, авиация, шаҳар транспорти ва лoгисти-кани бир-бирини давом эттирадиган ягона ҳа-ракат тизими сифатида кўраётганидадир.

Давлатимиз раҳбари 2025 йилдаги Тошкент халқаро инвестиция форумида бу қарашни бир жумла билан ифодалаган эди: “**Биз транспорт ва лoгистика соҳасини иқтисодийётимизнинг қон томир сифатида кўрамиз**”.

Мақоламизнинг айтмоқчи бўлган асосий гап — қалит жумласи ҳам шу асида. Одам боласи манзилга етиш учун йўл қидирса, давлат тараққиётга етиш учун ҳаракат тизимини ку-ради. Темир йўл ҳам йўл. Самолётнинг осмон-да кўзга кўринмайдиган ҳаво йўлагчи ҳам йўл. Вокзалдан ҳаво қўналгасига, ҳаво қўналгасидан шаҳарга, қишлоқдан магистралга олиб чиқади-ган кичик кўча ҳам шу тизимнинг бир томири. Бир томир тикилса, бутун тана безовта бўлади.

Темир изда қисқараётган масофалар

1964 йилнинг 1 октябри. Токио Олимпиа-дасининг очилишига тўққиз кун қолганда Япония дунёда биринчи бўлиб юқори тезлик-даги “Синкансэн”ни ишга тушириди. Поезднинг соатига 210 километр юриши ўша кезде темир из устидиги мўъжиза эди. Бугун эса Хитойда йўловчи ташийдиган тезорар поездлар соатига 350 километр тезликда ҳаракатланмоқда.

Жаҳон харитасини темир излар бўйича ку-затсак, кўз олдимизда яна бир манзара жонла-нади. 2025 йилги халқаро атлас ишлайётган, қу-рилайётган ва режага кирган юқори тезликдаги тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда 67 минг 700 километрдан эиёд масофани кўрсатади. Унинг 47 минг 800 километрдан ортиғи биргина Ха-йити хиссасига тўғри келади. Ҳар кун қарийб беш минг тезорар таркиб йўлга чиқади.

Улар бир йилда ташийдиган йўловчилар сон ич миллиарддан ошади.

Бироқ бундаги асосий ютуқ тезликининг ўзи эмас. Ютуқ — аниқ жадвал, хавфсизлик, уз-луқсиз хизмат ва поезддан тушган йўловчини кейинги манзилга етказадиган транспортнинг шай туришида.

Ўзбекистон бу пойгага 2011 йили “Афро-сиеб” билан қўшилган эди. Янги Ўзбекистон даврига келиб тезорар поездларнинг қатнов географиясини кенгайтириш, янги таркиблар олиб келиш ва темир йўлни электрлаштириш бир-бирига боғланган дастурга айланди. Дав-латимиз раҳбарининг 2022 йили Хоразмда илгари сурган ташаббусидан сўнг Жаңубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан ол-гита замонавий электропоезд харид қилини-ши бўйича шартнома имзоланди.

2026 йил 5 май кўни “Жалолиддин Мангу-берди” поезди Тошкентдан Хивага мунтазам қатнай бошлади. Бунинг учун Бухородан

Энг муҳим жиҳат рақамларда эмас. Лойиҳа чизмасида ҳаво қўналгаси ёлғиз қолдирилма-ган: ундан Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Андижон ва Тошкент — Бўстонлик автома-гистралларига йўл тортилади. Терминал ёнида темир йўл бекати бунёд этилиб, тезорар по-ездлар қатнови ҳам йўлга қўйилади. Пойтахт ва Янги Тошкентга қатнайдиган шаттлар эса ҳаводаги сафарни ерда давом эттиради.

Яъни йўловчининг ҳаво қўналгасига етиб бориши ва ундан чиқиб кетиши ҳам парвоз-нинг давоми деб қаралиши лозим. Самолёт-дан тушган одам яна соатлаб такси кутса ёки тирбандликда қолса, ҳаводаги тезликининг ерда қадри қолмайди.

Аэропортнинг ҳақиқий баҳоси пештоқ баландлиги ёки ялтироқ ишшлар билан эмас, йўловчи юкани қанча вақтда қўлига олгани, че-гара назоратидан қандай ўтгани, поезд ёки авто-буста қанчалик осон ўтириши билан ўлчанади.

Шу маънода, ҳаводаги парвоз ердаги йўл-дан бошланади.

Транспорт суверенитети

География бизга битта қаттиқ шарт қўйган. Ўзбекистондан денгиз портига етиб бориш учун бир эмас, камда икки давлат чегарасидан ўтишимиз зарур. Дунёда бундай икки қарра ку-руқлик халқасида қолган мамлакат атғичи икки-та. Бирни Марказий Европадаги Лихтенштейн князлиги эмас, иккинчиси Ўзбекистон.

Бундай шароитда транспорт вақти оддий қу-лайлик эмас. У — рақобатбардорлик, хавфсиз-лик ва суверен қарор қабул қилиш имконияти ҳам. Бу ҳақиқатни англаш учун яқин тарихнинг ўзи етарли. Бизга собиқ иттифоқдан мерос бўл-ган М-39 йўлининг Қозғистондаги Мақтаарал ҳудудини кесиб ўтадиган қарийб 24 километри 2006 йили беркилди.

Ўзига ҳис сабаблар билан беркилган бу йўл фақат 2017 йили қайта очилди. Орадаги ўн йил ҳайдовчиларга харитда қисқадек кўринган йўлнинг айланмаси қанчалик узун бўлишини қўрсатиб берди. Масофа давлат чегарасига бо-риб тақалганда, бир неча ўн километр ҳам стра-тетик масалага айланар экан.

Янги автомагистраль бу қарамликни йўқо-тади, мамлакат ичидаги ҳаракатни ўз қўли-мизга олиш имконини кенгайтиради. Фаргона водийси ва марказий ҳудудларини жануб ҳамда қарбга тезроқ ўлайди, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” ёки Трансафғон йўлакларидан кирган юкни ички манзилларга тарқатади. Темир йўл ва янги ҳаво қўналгаси билан туташ-ганда эса у шунчаки катта йўл бўлиб қолмай, миллий транспорт белбоғига айланади.

Келажакка қўйилган тамал тоши

Тошкент — Самарқанд автомагистралли бир вақтининг ўзида иқтисодий лойиҳа, ижтимоий қўлайлик, туристик йўлак, маданий кўприқ, муҳандислик мактаби ва транспорт суверени-тети воситаси.

Президентимизнинг бу жараёндаги тарихий роли йўлни халққа қилинган ҳиммат сифатида эмас, давлат келажакга киритиладиган страте-гия сармоя сифатида кўраётганидир. Унинг Ўз-бекистон транспорт тафаккурига олиб кирган асосий ангиллиги ҳам бетон ёки асфальт миқдо-рида эмас, балки ҳаракат узлуқсизлиги, транс-порт турларининг ўзаро боғлиқлиги ва йўлнинг инсон ҳаёти иқтисодийётига натижасига қараб баҳоланишида.

Албатта, йўл халқи тайёр эмас. Лойиҳанинг ҳақиқий баҳоси 2030 йилда очилиш тасмаси кесилган пайтда ҳам эмас, ундан кейинги йил-ларда: бетон қанча хизмат қилди, хавфсизлик қанчалик таъминланди, қарз қандай қайтарил-ди, йўл ҳақи аҳоли имкониятига мос келди-ми-йўқми, йўл бўйи ҳудудлар даромад оялти-ми сифатли хизмат кўрсатиш тизими орқали давлат маданиятини кўрсатадиган макон.

“Чанги” да бўлганимда, бу маконни ҳайрат билан томоша қилганим, сўнг бу ҳайрат орти-дан кўнглимни орғитган бундай савол пайдо бўлган эди:

— Бор-йўғи 744 квадрат километрли Син-гапур шундай ажойиб ҳаво қўналгаси қурибди. Ҳудуди ундан 600 баравардан эиёд Ўзбекистон бун и элпомайди...

Албатта, эплайди. Бунга ишонаман. Бу ишонч қуруқ тасалии эмас. Мамлакатнинг ҳаво дарвозалари бирин-кетин ўзгарипти. Са-марқанд янги терминал билан маконни қутиб оялпти, вилоят ҳаво қўналгалари қайта қури-ляпти, осмонда янги миллий ташувчиларнинг қанотлари кўзга ташланыпти.

Миёёс ва мақсад жиҳатидан энг катта қа-дам эса Тошкент вилоятидаги янги халқаро ҳаво қўналгаси лойиҳасидир. “Ўзбекистонни Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни боғлов-чи йирик авиация хабиға айлантиришни мақсад қилганимиз”, деганди Президентимиз мега қурилиш ҳақида гапирганда.

Бу ҳаво қўналгаси биринчи босқичининг ўзи 1300 гектар майдон ва 2,5 миллиард доллар-лик сармоя дегани. Ўрта Чирчиқ билан Қўйи Чирчиқ туманлари оралиғида бунёд бўладиган бу мажмуа бир йилда 20 миллион йўловчи ва 129 минг тонна юк оқимини қабул қилиши, бир соатнинг ўзида 30 та самолётни учуриши ёки қўндириши кўзда тутилган.

“ИККИНЧИ ИМКОН”

ИШОНЧ ВА УМИД ДЕМАКДИР!



Лола САОДАТОВА,
Омбудсманнинг Қашқадарё
вилоятидаги вакили

Омбудсман фаолиятида ҳам инсон ҳуқуқларини айнан шундай яхлит тушуниш муҳим ўрин тутати. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари таъминланиши, уларга қонунчиликда белгиланган муносабатда бўлиниши, шароитларнинг ўрганилиши ва муурожаатларига эътибор қаратилиши инсон қадрини таъминлаш борасидаги умумий сиёсатнинг ажралмас қисмидир. Чунки инсон ҳуқуқларига фақат эркин ҳаёт кечириётган фуқароларга тааллуқли тушунча сифатида қаралиши мумкин эмас. Озодликдан маҳрум этилган шахс ҳам қонунда назарда тутилган ҳуқуқларга эга ва уларнинг таъминланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим мезонларидан.

Фаолиятимиз давомида жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, у ердаги ёшлар билан суҳбатлашмиш асносида кечинмалари ва келажак ҳақидаги сўзларини кўп тинглаганимиз. Панжара ортидаги ҳар бир тақдирнинг ўз тарихи бор. Уларнинг орасида қилган ишдан чин дилдан пушаймон бўлган, ортда қолган вақтини ўйлаб изтироб чекаётган, озодликка чиққач, ҳаётини мутлақо бошқа йўлдан давом эттиришни истайётган ёшлар кўп. Бундай инсонларнинг тузалишга интилишини кўриш, уларга қонун доирасида зарур шароит яратиш, ўз навбатида, жамият манфаатларига ҳам хизмат қилади.

Давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатида ана шу ёндашув изчил намоён бўлмоқда. Хусусан, жорий йил 24 февраль кунини Кўксарой қароргоҳида Президентимизнинг ёшлар билан уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшмача имкониятлар яратишга бағишланган мулоқоти бўлиб ўтган эди. Ушбу учрашувни вилоят студиясида туриб кузатар эканман, ёшлар манфаатига қаратилган ҳар бир янги ташаббусни катта қизиқиш билан тингладим. Мулоқот давомида таълим, бандлик, ташаббускорлик ва ёшларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши билан боғлиқ масалалар қаторида тақдирини жазони ижро этиш муассасалари



билан боғланган ёшларнинг эртанги кунини ҳам эътибордан четда қолмаган алоҳида таассурот қолдирди.

Айнан шу учрашувда давлатимиз раҳбари жазони ўтаётган ёшларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга қаратилган “Иккинчи имкон” лойиҳасини эълон қилди. Менимча, ушбу ташаббуснинг моҳиятини унинг номининг ўзи жуда аниқ ифодалайди. Яъни иккинчи имкон содир этилган ҳаттичи оқлаш эмас, аксинча, инсон ўз қилишидан тегилли хулоса чиқариб, ҳаётини тузатишга интиляётган бўлса, унинг олдидаги барча эшикларини умрбод буткул ёпиб қўймаслик дегандир.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббус қисқа муддатда аниқ ҳуқуқий асос билан мустаҳкамланди. Хусусан, шу йил 27 март кунини Президентимизнинг “Жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшларни замонавий касбларга ўқитишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда жазони ўтаётган ёшларни замонавий билим ва касбларга ўқитишга қаратилган “Иккинчи имкон” ижтимоий реалитизация миллий лойиҳасини амалга ошириш тартиби белгиланди.

Ушбу қарорнинг моҳияти шундаки, жазони ўтаб, озодликка чиққан ёшнинг қўлида меҳнат бозорига ўз ўрнини топишига хизмат қиладиган билим ва касбий кўникмалар ҳам бўлиши керак. Шунга мувофиқ, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган 18-30 ёшли маҳкумлар учун 8-12 ойлик интенсив ўқув дастурлари йўлга қўйилди. Мазкур дастурлар орқали уларга бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида талаб юқори бўлган замонавий касбларни эгаллаш имконияти яратилмоқда.

Лойиҳа доирасида ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, улар қизиқиши ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда инглиз, рус ҳамда хитой тилларини ўрганиш имкониятига эга бўлмоқда. Муҳими, ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган ёшларга электрон шаклдаги сертификатлар берилиши назарда тутилган. Бу эса улар эгаллаган билим ва малаканинг расмий тасдиғи бўлиб, кейинчалик ишга жойлашиш жараёнида қўл келади.

2016 йилда олий таълимга қамров тахминан 9 фоиз эди. Бугун у 40 фоиздан юқори даражага етди. Бир пайтлар олий маълумот олиш кам сонли ёшлар учун насиб қиладиган имконият ҳисобланган бўлса, бугун у миллионлаб оилалар ҳаётига кириб келган реал ижтимоий имкониятга айланмоқда.

“ИККИНЧИ ИМКОН”

ИШОНЧ ВА УМИД ДЕМАКДИР!



Долзарб мавзу

Ёшлик — инсон дунёқараши шаклланидиган, ҳаёт йўли белгиланадиган, айна пайтда тажрибасизлик туфайли нотўғри қарорлар қабул қилиниши ҳам мумкин бўлган мураккаб давр. Бироқ биргина хато бутун умрлик тамғага айланиб қолмаслиги керак. Қилмиш учун белгиланган жазони ўташ — қонун талаби. Ундан кейинги соғлом ҳаётга қайтиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ҳалол меҳнат билан яшаш учун имкониятга эга бўлиш эса инсоннинг келажакка бўлган табиий ҳаққидир.

Қарорда ўқув курсларига жалб этиладиган шахслар тоифаси ҳам аниқ белгилаб берилган. Унга кўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят содир этган ёшлар мазкур таълим дастурларида иштирок этади. Бунда ахборот технологиялари ёрдамида жиноят содир этган шахслар истисно қилиниши белгиланган. Жазони ижро этиш муассасаларида ўқув хоналарини тайёрлаш, санитария талабларига жавоб берадиган биноларни ажратиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш учун барча зарур шароитни яратиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳар қандай ташаббуснинг ҳақиқий қадрини унинг амалий натижасида намоён бўлади. Қабул қилинган қарорлар жойларда қандай ижро этилаётгани, белгиланган вазифалар ҳаётга қандай татбиқ қилинаётгани эса уларнинг самардорлигини белгилловчи асосий мезондир. Шу маънода, Қашқадарё вилоятидаги жазони ижро этиш муассасаларида “Иккинчи имкон” миллий лойиҳаси доирасида қилинаётган ишлар мазкур ташаббуснинг амалий ифодасига айланмоқда.

Вилоятдаги жазони ижро этиш муассасаларига мониторинг ташрифлари давомида маҳкумларнинг сақланиш шароити, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланиши, таълим олиш имкониятлари ҳамда муурожаатларини мунтазам ўрганиб борамиз. Бугун ҳудуддаги жазони ижро этиш муассасаларида мазкур лойиҳани самарали амалга ошириш учун зарур ташкилий шароит яратилган. Ўқув машғулотлари ўтказиладиган хоналар замонавий талаблар асосида жиҳозланган, санитария меъёrlарига жавоб берадиган бинолар ажратилган. Машғулотларнинг белгиланган дастурлар асосида ташкил этилиши ёшларнинг билим олиши учун қўлай муҳит яратмоқда.

Мониторинг жараёнида ёшлар билан самимий суҳбатлар ташкил этилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Ана шундай учрашувлардан бирида Дилшод исмли йигит билан мулоқот қилдик. Унинг сўзларида пушаймонлик билан бирга эртанги кунга умид ҳам аққол сезилиб турарди.

— 23 ёшдаман. Ёшлик қилиб хатога йўл қўйдим. Бу муассасага келганимга қарийб икки йил бўлди. Бу ерда барча шароит бор, аммо вақт жуда секин ўтади.




Кутубхонадаги деярли барча китобни ўқиб чиқдим. Энг кўп ўйлангирган масала озодликка чиққанимдан кейин нима иши қилишим, қандай ҳаёт бошлашим эди. Ўқиниш, касб ўрганишим керак бўлган йиллар беҳуда ўтиб кетаётгандек туюларди. Президентимиз ташаббуси билан “Иккинчи имкон” лойиҳасини йўлга қўйилган, замонавий касбларни ўргана бошладик. Энди келажакка бошқача қараямиз. Озодликка чиққач, ҳалол меҳнат қилиб, оилам ва жамият ишончини оқлашни ният қилганим, — дейди у.

Кузатувларга кўра, таълим жараёнига жалб этилган ёшларнинг машғулотларга қизиқиши юқори. Улар янги касблар синрини ўзлаштириш, хорижий тилларни ўрганишга катта иштиёқ билан ёндашмоқда. Машғулотларда фаол қатнашаётган ёшларнинг ўзига ишончи ортиб, келгусидаги ҳаётини режалари ҳақида аниқ тасаввурини шаклланиётганини сезиш қийин эмас.

Қашқадарёда “Иккинчи имкон” лойиҳаси доирасидаги ишлар айнан шу мақсадга хизмат қилляпти. Бугун билим ва касб эгаллаётган ёшлар эртага жамиятга фойда келтирадиган, ҳалол меҳнати билан оиласини боқадиган, ўз келажакни ўз қўли билан бунёд этадиган фаол фуқаролар бўлиб шаклланиши учун зарур пойдевор яратилмоқда. Энг муҳими, бу жараёнда инсоннинг ўзгаришга интилиши давлатнинг амалий кўмаги билан уйғунлашмоқда.

Халқимиз азалдан инсон қадрини энг олий тушунча сифатида улуғлаб келган. Бугун мамлакатимиздаги ислохотлар ана шу эзгу қадриятнинг замонавий ифодаси десак, янгилимаймиз. Ҳаёт сўқмоғида билиб-билимай адашганларни тузалиш йўлига қайтариш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун йўл очиш ва келажакга ишонч билдириш эса жамият тараққиётининг муҳим шартларидир. “Иккинчи имкон” лойиҳа худди шундай ташаббуслардан бири бўлди. Бундай меҳрли сиёсат, амалий ёндашув туфайли бугун ҳаётини ўзгариштиришга қатъий аҳд қилган ёшлар эртага жамиятимизнинг фаол, масъулиятли ва фидойи фуқаролари сафидан муносиб ўрин эгаллашига ишонч янада мустаҳкамланмоқда.

НУҚТАИ НАЗАР



Мамлакатимизда истиқлолнинг 35 йиллиги “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғоя асосида нишонланмоқда. Бу шунчаки байрам шиори эмас, унда халқимизнинг асрлар давомида қалбида асраб келган озодлик орзуси, жадид боболаримизнинг маърифат ва тараққиётга интилиши, мустақиллик йилларида босиб ўтилган миллий тикланиш йўли ва юртимизда кечаётган миллий юксалиш жараёни узвий туташади. Ватан, халқ, янги ҳаёт ва келажак тушунчаларининг битта ғояда уйғунлашиши эса янги тараққиёт босқичи фалсафасини ифода этади.

Азизбек АМОНОВ,
“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти аъзоси

Жадидлар орзуси

Мустақилликнинг қадрини англаш учун бир аср аввали Туркистонни кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя. Ўша даврда миллат тақдирига бефарқ бўлмаган жадид боболаримиз қолоқликнинг асосий сабабини илм ва маърифатдан узоқлашишда кўрди. Шунинг учун улар қўлига китоб олди, мактаб очди, дарсликлар ёзди, газета ва журналлар нашр эттирди. Шунингдек, театр ташкил қилди, халқни дунёдаги янгиликлардан хабардор этиш, фикрлаш, ўзинини англаш, келажак ҳақида ўйлашга ундади. Улар озодликни маърифатдан, мустақилликни эса билимни миллатдан айро тасаввур қилмаган эди. Бугун, орадан бир асрдан зиёд вақт ўтиб, жадидларнинг ана шу буюк орзуси мутлақо янги тарихий шароитда, янги имконият ва улкан қўламда Ўзбекистон тараққиётининг маънавий мазмунига айланмоқда.

Бугунги янги Ўзбекистон билан жадидлар ғоясини ўртадаги энг кучли маънавий боғлиқлик таълимга муносабатда намоён бўлади. Кейинги йилларда мактабгача таълим тармоғининг кескин кенгайиши, янги мактаблар, Президент ва ижод мактаблари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари, хусусий ва хорижий университетлар очилиши, олий таълим қамровининг бир неча баробар ошиши — буларнинг барчаси бир аср аввал жадидлар илгари сурган “таълим орқали тараққиёт” ғоясининг бугун давлат сиёсати миқёсида амалга оширилаётганидан далолат беради.

2016 йилда олий таълимга қамров тахминан 9 фоиз эди. Бугун у 40 фоиздан юқори даражага етди. Бир пайтлар олий маълумот олиш кам сонли ёшлар учун насиб қиладиган имконият ҳисобланган бўлса, бугун у миллионлаб оилалар ҳаётига кириб келган реал ижтимоий имкониятга айланмоқда.

Аммо бугунги маърифат жадидлар даврининг оддий такрори эмас. Агар улар ўз даврида математика, география, табиий фанлар ва хорижий тилларни замонавий мактаб дастурига олиб кириш учун курашган бўлса, бугун олдимизда турган вазифа ёшларни сунъий интеллект, дастурлаш, робототехника, биотехнология, замонавий муҳандислик, рақамли иқтисодиёт ва глобал инновациялар билан қуроллантиришдир.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг мазмуни давлат ва жамиятнинг инсон манфаатларига янада яқинлаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни очиш, имкониятларни кенгайтириш, фуқароларни ислохотларнинг кузатувчиси эмас, бевосита



НУҚТАИ НАЗАР



Мамлакатимизда истиқлолнинг 35 йиллиги “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғоя асосида нишонланмоқда. Бу шунчаки байрам шиори эмас, унда халқимизнинг асрлар давомида қалбида асраб келган озодлик орзуси, жадид боболаримизнинг маърифат ва тараққиётга интилиши, мустақиллик йилларида босиб ўтилган миллий тикланиш йўли ва юртимизда кечаётган миллий юксалиш жараёни узвий туташади. Ватан, халқ, янги ҳаёт ва келажак тушунчаларининг битта ғояда уйғунлашиши эса янги тараққиёт босқичи фалсафасини ифода этади.

Азизбек АМОНОВ,
“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти аъзоси

Жадидлар орзуси

Мустақилликнинг қадрини англаш учун бир аср аввали Туркистонни кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя. Ўша даврда миллат тақдирига бефарқ бўлмаган жадид боболаримиз қолоқликнинг асосий сабабини илм ва маърифатдан узоқлашишда кўрди. Шунинг учун улар қўлига китоб олди, мактаб очди, дарсликлар ёзди, газета ва журналлар нашр эттирди. Шунингдек, театр ташкил қилди, халқни дунёдаги янгиликлардан хабардор этиш, фикрлаш, ўзинини англаш, келажак ҳақида ўйлашга ундади. Улар озодликни маърифатдан, мустақилликни эса билимни миллатдан айро тасаввур қилмаган эди. Бугун, орадан бир асрдан зиёд вақт ўтиб, жадидларнинг ана шу буюк орзуси мутлақо янги тарихий шароитда, янги имконият ва улкан қўламда Ўзбекистон тараққиётининг маънавий мазмунига айланмоқда.

Инсон капиталидан Учинчи Ренессансга

Маърифатли жамият деганда нима тушунилади? Уни фақат дипломли одамлар сони, университетлар ёки китоблар миқдори билан ўлчаш мумкин эмас. Дипломли, аммо мустақил фикрламайдиган инсон бўлиши мумкин. Катта маълумотга эга, аммо жамият олдида масъулиятни ҳис қилмайдиган киши ҳам учрайди. Шунинг учун маърифатли жамият билимли, фикрлайдиган, миллий ўзлигини англаган, қонунни ҳурмат қиладиган, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқига эҳтиром билан қарайдиган, мустақил қарор қабул қиладиган ва ватан тақдирига дахлдор инсонлар жамиятидир.

Бундай жамиятда билим энг катта қадриятлардан бирига айланади. Устознинг обрўси баланд бўлади, олимнинг меҳнати қадрланади, китоб ўқиш одат эмас, маданият сифатида шаклланади, савол бериш айб эмас, тафаккур белгиси ҳисобланади. Ёш авлодга тайёр маълумотларни ёдлатиш билан чекланиб қолинмайди, балки ҳақиқатни излаш, далилларни таққослаш, мустақил хулоса чиқариш, фикрини асослаш ва уни ҳимоя қила билиш ўргатилади.

Шу боис, Учинчи Ренессансни фақат илмий лабораториялар, технопарклар ёки замонавий бинолар орқали барпо этиб бўлмайди. Ренессанс жамиятда илм қадриятга айланганда юзага келади.

Бу жараёнда Ислом цивилизациясини маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқа буюк алломуларимиз меросини ўрганишга қаратилган илмий-маърифий марказлар, музейлар, кутубхоналар ва илмий мактабларнинг аҳамияти катта. Булар тарихий меросни фақат намойиш қилиш учун эмас, балки уни илмий ўрганиш, дунёга тақдим этиш ва янги авлод учун интеллектуал ресурсга



НУҚТАИ НАЗАР



Мамлакатимизда истиқлолнинг 35 йиллиги “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғоя асосида нишонланмоқда. Бу шунчаки байрам шиори эмас, унда халқимизнинг асрлар давомида қалбида асраб келган озодлик орзуси, жадид боболаримизнинг маърифат ва тараққиётга интилиши, мустақиллик йилларида босиб ўтилган миллий тикланиш йўли ва юртимизда кечаётган миллий юксалиш жараёни узвий туташади. Ватан, халқ, янги ҳаёт ва келажак тушунчаларининг битта ғояда уйғунлашиши эса янги тараққиёт босқичи фалсафасини ифода этади.

Азизбек АМОНОВ,
“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти аъзоси

Жадидлар орзуси

Мустақилликнинг қадрини англаш учун бир аср аввали Туркистонни кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя. Ўша даврда миллат тақдирига бефарқ бўлмаган жадид боболаримиз қолоқликнинг асосий сабабини илм ва маърифатдан узоқлашишда кўрди. Шунинг учун улар қўлига китоб олди, мактаб очди, дарсликлар ёзди, газета ва журналлар нашр эттирди. Шунингдек, театр ташкил қилди, халқни дунёдаги янгиликлардан хабардор этиш, фикрлаш, ўзинини англаш, келажак ҳақида ўйлашга ундади. Улар озодликни маърифатдан, мустақилликни эса билимни миллатдан айро тасаввур қилмаган эди. Бугун, орадан бир асрдан зиёд вақт ўтиб, жадидларнинг ана шу буюк орзуси мутлақо янги тарихий шароитда, янги имконият ва улкан қўламда Ўзбекистон тараққиётининг маънавий мазмунига айланмоқда.

Инсон капиталидан Учинчи Ренессансга

Маърифатли жамият деганда нима тушунилади? Уни фақат дипломли одамлар сони, университетлар ёки китоблар миқдори билан ўлчаш мумкин эмас. Дипломли, аммо мустақил фикрламайдиган инсон бўлиши мумкин. Катта маълумотга эга, аммо жамият олдида масъулиятни ҳис қилмайдиган киши ҳам учрайди. Шунинг учун маърифатли жамият билимли, фикрлайдиган, миллий ўзлигини англаган, қонунни ҳурмат қиладиган, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқига эҳтиром билан қарайдиган, мустақил қарор қабул қиладиган ва ватан тақдирига дахлдор инсонлар жамиятидир.

Бундай жамиятда билим энг катта қадриятлардан бирига айланади. Устознинг обрўси баланд бўлади, олимнинг меҳнати қадрланади, китоб ўқиш одат эмас, маданият сифатида шаклланади, савол бериш айб эмас, тафаккур белгиси ҳисобланади. Ёш авлодга тайёр маълумотларни ёдлатиш билан чекланиб қолинмайди, балки ҳақиқатни излаш, далилларни таққослаш, мустақил хулоса чиқариш, фикрини асослаш ва уни ҳимоя қила билиш ўргатилади.

Шу боис, Учинчи Ренессансни фақат илмий лабораториялар, технопарклар ёки замонавий бинолар орқали барпо этиб бўлмайди. Ренессанс жамиятда илм қадриятга айланганда юзага келади.

Бу жараёнда Ислом цивилизациясини маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқа буюк алломуларимиз меросини ўрганишга қаратилган илмий-маърифий марказлар, музейлар, кутубхоналар ва илмий мактабларнинг аҳамияти катта. Булар тарихий меросни фақат намойиш қилиш учун эмас, балки уни илмий ўрганиш, дунёга тақдим этиш ва янги авлод учун интеллектуал ресурсга

Маърифатли жамият деганда нима тушунилади? Уни фақат дипломли одамлар сони, университетлар ёки китоблар миқдори билан ўлчаш мумкин эмас. Дипломли, аммо мустақил фикрламайдиган инсон бўлиши мумкин. Катта маълумотга эга, аммо жамият олдида масъулиятни ҳис қилмайдиган киши ҳам учрайди. Шунинг учун маърифатли жамият билимли, фикрлайдиган, миллий ўзлигини англаган, қонунни ҳурмат қиладиган, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқига эҳтиром билан қарайдиган, мустақил қарор қабул қиладиган ва ватан тақдирига дахлдор инсонлар жамиятидир.

Бундай жамиятда билим энг катта қадриятлардан бирига айланади. Устознинг обрўси баланд бўлади, олимнинг меҳнати қадрланади, китоб ўқиш одат эмас, маданият сифатида шаклланади, савол бериш айб эмас, тафаккур белгиси ҳисобланади. Ёш авлодга тайёр маълумотларни ёдлатиш билан чекланиб қолинмайди, балки ҳақиқатни излаш, далилларни таққослаш, мустақил хулоса чиқариш, фикрини асослаш ва уни ҳимоя қила билиш ўргатилади.

Шу боис, Учинчи Ренессансни фақат илмий лабораториялар, технопарклар ёки замонавий бинолар орқали барпо этиб бўлмайди. Ренессанс жамиятда илм қадриятга айланганда юзага келади.

Бу жараёнда Ислом цивилизациясини маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқа буюк алломуларимиз меросини ўрганишга қаратилган илмий-маърифий марказлар, музейлар, кутубхоналар ва илмий мактабларнинг аҳамияти катта. Булар тарихий меросни фақат намойиш қилиш учун эмас, балки уни илмий ўрганиш, дунёга тақдим этиш ва янги авлод учун интеллектуал ресурсга

2026 йил 14 август, 164-сон

Момақаймоқ гуллари...
Уни биринчи бор қўлимга тутқазган устозимизнинг айтган гапи ҳали ҳам қўлоғимда: — Ердаги қуёшчалар булар...
Ўшанда бу гап жуда чиройли эканини ҳис қилганману, аммо маъносининг таг заминини тушуна олмаганман. Чунки ўша пайтлари биз учун у оддий бир гиёҳ, гул эди. Бутун ўйлаш, устозимиз гул ҳақида эмас, умид ҳақида гапирган экан.



Мунаввара УСМОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Унинг илдири ер бағрида, ўзи эса қуёшга интилади. Аёл тақдирини ҳам “ердаги қуёшчалар”га ўхшайди. Қанчалик оғир туспроққа тушмасин, бир кун униб-ўсиб кетишига ишонади. Аммо бу ердан кўтарилиш, қуёш нурларига тирмашиб, қўшилиб кетиш осонлик билан кечмайди.

Нон қомбинатда раҳбар бўлиб ишлаган раҳматли қайнотам бир кунни дастурхон атрофида ўтирганимизда:

— Тупроғимиз олтин, серунум, лекин бут-дойини ташқаридан олар эканмиз. Мустақил бўлганимиздан бери баъзи оқим тарафларимиз кўрина бошлади. Олдингина макорон маҳсулотини ишлаб чиқарадиган ускуна бор, қуритиш технологияси йўқ. Хитой тегиримонлари келтирилди, бугудойи оқ-роғга ажратиб янгишни удалап-миз, аммо нон тандирда пишмай, кўрга тўқилади, сирини билолмай доғмиз, — дегандилар.

Уша бир оғиз гапда истиқлолнинг дастлабки йилларидаги биз кечиратган иқтисодий танг-лиқнинг бутун манзараси бордек. Биз давлат мустақиллигини қўлга киритдик. Аммо иқтисодий мустақилликка ўз қўлимиз, юрак кўримиз, тафаккуримиз билан эришишимиз керак эди. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тадбиркорлик муҳитини яратиш, ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш, бозорни шакллантириш... Энг қийини эса одамларни “Давлат мустақиллиги бизга нима беради?” деган саволдан “Мен Ватанимни тўла маънода мустақил қилиш учун нима бера оламан?” деган саволга олиб келиш эди. Бу аста-секинлик билан бўладиган жараёниги учун ўз-ғаришининг, тушунишининг залворли юқини бутун халқ кўтарди. Аслида, биз енгил яшаб ўрганган халқ эмасдик. Умримиз курашлар, мағлубиятлар, ғалабалар аро ўтиб келётган эди.

Биз момоларимизнинг уруш йилларидаги заҳматли ҳаётини яхши эслаймиз. Эр-ларни фронтда бўлганида, улар фронт ортида барча қийинчиликларни зиммасига олди. Канал қазиди, ер ҳайдади, бугдой ўрди, пахта терди. Ховлисидаги меваларни болаларига бермай, туршак қилиб уруш майдонларида жон олиб, жон бераётган аскарларга жўнатди. Демак, халқимиз, айниқса, жафокаш аёлларимиз истиқлолга томирларидан яшаётган жасорат, матонат, бардош туйғуларини билан етиб келди.

Мустақилликдан кейинги 35 йилда эса аёлнинг қўлидаги меҳнат қуроли ўзгарди. Бел-куракнинг ёнига тикув машинаси қўшилди. Томорқанинг ёнига иссиқхона, уйдаги кичик цех ёнига корхона, арава ўрнига замонавий техника келди.

Барча ўзгаришлар аёлнинг руҳиятида, яшаш тарзида ҳам акс эта бошлади. Кеча аскарнинг ўй бекалари, “рўзгорин бут бўлса бўлди” деган ниятига яраша ҳаракат қиларди. Бугун эса ўзига нисбатан ишонч пайдо бўлди. Юзлаб оилаларнинг рўзгоринга барака киритиш мақсадига қадам ташлаётти. Чунки опа-сингилларимизда ижтимоий руҳ, юрт, халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучая бошлади.

2025 йил “Йил аёли” миллий танловида Гран-при совриндори бўлган самарқандлик тадбиркор Гулмира Жумаева бир неча кун орасида тилга тушиб кетди. Биз уни кўрганимизга тавбик, Президент совғиси — “Onix” автотомобили қалитини қабул қилиб турган ҳолда тасаввур қиламиз.



Илдири тупроқда, қалъи қуёшда

Чироқлар, қарсақлар, камералар. Бир неча йиллик меҳнати ҳақидаги ролик. Ва титраётган қўллар... Лекин бу қўллар совринни олишдан анча олдин нималарни тутган? Арава дастасини, чиқиндини... Шодликдан ҳаприқаётган юраги нималарни ҳис қилган, нималарни тотган... Оғир меҳнатнинг, фарзанд, яқинларидан олисда мусофирликда яшашнинг аччиқлигини...

Унинг ўзи айтганидек, бугунги ҳашаматли саҳнага олиб келган йўл у оиласи яшаётган ижара уй сарсонгарчилигидан бошланган. Уй эгасининг қош-қовоғига термилиш, ой сайин келиб турадиган ижара ҳақини жамғариш... Бу азовларга чидай олмаган Гулмира уч ёшли гўдагини онасига қолдириб, эри билан хорижа иш излаб кетди, лекин уларни бағрини очиб қарши олмади. Мусофирликнинг нони қаттиқ эди. Эри қоровулликда, Гулмира қора меҳнатда тер тўка бошлади. Аммо унинг дилини бир истак нурдек ёриштириб турарди. Бу ўз-ўзининг бошпанасига эга бўлиш орузси эди.

Аёл бўш қолиши билан атрофга қаради. Бошқаларнинг кўзига чиқинди бўлиб кўринаётган нарсаларда у имконият кўрди. Корхона ишини кузатиб, жараёнларини ўрганди. Дафтар тутди, кўрганини ёзди. Саккиз йиллик умри ана шундай кечди. Бир кунни ўша дафтардаги фикр аниқ мақсадга айланди:

“Самарқандга қайтиб, мен ҳам шундай корхона қураман”.

Бу шунчаки ният эмасди. Мусофирликдаги саккиз йилнинг, фарзандидан олисда ўтган соғинч сарғайтирган кунларнинг, бирова қарам меҳнат изтиробларининг, кузатиш ва ўрганишнинг ҳулосаси эди. Гулмира Ватанга фақат пул билан эмас, тажриба ва билим билан қайтди.

Ташкилий иш билан боғлиқ мунтазам ҳаракатлардан кейин Каттақўрғон шаҳрида чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси иш бошлади. Иш усуллари дастлабки пайтлардаги имкониятларига яраша эди. Чиқиндилар аравада ташиб келинарди. Кейин кредит олинди,



иш жойи кенгайтирилди. Хориждан замонавий дастдохлар келди. Арава скутерга, скутер “Москвич”га, кейин “Жигули”га алмашди. Бугун эса корхонада қарий юзга яқин техника ишлаяпти. Чиқинди майдаланиб гранулага айланапти. Гранула бошқа майдаланиб чиқаришлар учун хомашё бўлади. Корхона ва филиалларда 500 нафар юртдошимиз иш билан таяминланган. Кечгаги мусофир аёл бугун ўзи жиб-қитоб берувчига айланди.

Бир вақтлар фарзандини онасига қолдириб кетган она бутун юзлаб оиланинг фарзандларига риққ олиб келадиган меҳнат майдонини яратди. Ана шу нуқтада Гулмиранинг шахсий тақдирини билан мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришлар бир-бирига туташади. Чунки тадбиркорлик ҳақида гап кетганда, бу тушунча орқасида фақат корхона, дастдох ёки ҳисоб-китоб турмайди. Асосан, инсоннинг ўз ҳаётини ўз-ғартириш мақсадидagi жасорати бор бу ерда. Гулмира тадбиркорларга яратилган солиқ ва божхона енгилликларини ўз муваффақиятининг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этади.



Аммо берилган барча имтиёзлар тадбиркорнинг ҳақиқий меҳнати билангина муваффақият воситасига айланади. Бўласа, бу имтиёзлар қозғоларда, жонсиз ҳолда қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун хотин-қизлар тадбиркорлиги ҳақида гап кетганда уларга “Қанча маблаг берилди?” деган саволнинг жавобига алоҳида аҳамият қаратишининг ўзингина етарли эмас. Берилган имконият қанча ҳаётини ўзгартирди? Қанча аёлни иш изловчидан иш берувчига айлантирди? Қанча хонадонга доимий даромад кирди? Бу саволларга ишончли жавоб олингандагина масаланинг асл моҳияти намоён бўлади.

Шу ўринда яна бир тадбиркор Раёно Тулибаеванинг исми-шарифи эсга келади. У давлатдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб иш бошлаганида қўлида уч-тўрттагина тикув машинаси бор эди. Аммо у тикув машиналаридан кўра, эшик олдида ишлаш умидида турган аёлларнинг кўзига кўпроқ қарарди.

“Албатта, цехни кенгайтиряймиз, ҳаммамизга иш бўлади”, дерди уларга.

Бир кунни ўша аёллардан бири унга “Иш вақти тутагандан кейин ишласам ҳам майли эди. Болаларини мактабга уст-бош, дафтар-китоб олишим керак”, деди.

Бу гапнинг юки Раёнонинг юрагига тушди. Чунки тадбиркорликнинг рақамларга сиймайди-ган бир ҳақиқати бор: тадбиркор баъзан бирор инсоннинг тақдирини учун масъул эканини ҳис қилган кунни ҳақиқий ишбилармонга айланади.

Раёно олган бу маблаг шунчаки кредит эмасди. Унинг учун бу масъулият, ишонч эди. Яна эшик олдида турнақатор бўлиб иш сўраб келаётган опа-сингилларнинг кўзида шодлик кўриш орузси эди.

Шунинг учун бутун хотин-қизлар тадбиркорлигини баҳолашда “Қанча аёлга ёрдам берилди?” деган саволнинг ўзи таъмин қилади. Zero, “Қанча аёл ўзини ўзи таъминлайдиган, иш ўрни яратадиган, солиқ тўлайдиган, экспорт қиладиган иқтисодий кучга айланди?” деган савол кун тартибига чиқадиган вақт келди.

Чунки давлат имконият яратадди, аммо имкониятни иқтисодий манфаат келтирадиган натижага айлантириш тадбиркорнинг зиммасида қолади. Ана шу масъулиятни ўз зиммасига олган аёллар орасида самарқандлик тадбиркор Севара Исаева ҳам бор.

Унинг отаси Комилжон Мўминов мустақилликнинг дастлабки даврида ҳусусий сектор имкониятларидан фойдаланиб, чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган заводни йўлга қўйган эди. Ота завод қурган даврда бундай ишга қўл уришининг ўзи катта жасорат ҳисобланарди. Севара эса бу жараёнга бошқа бир даврда кириб келди. Уч фарзанд тарбиясидан узилмаган ҳолда уй шароитида кичик бир иш бошлади. Таниқли олим бўлган қайнотаси раҳматлидан гиёҳларнинг ҳусусиятларини ўрганди. Ундан олган билимидан фақат ўзи учун фойдаланмади.

Маҳсулот турларини кўпайтириб, фиточой ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Секин-аста халқро кўргазмаларда иштирок эта бошлади. Ота завод қурган бўлса, қиз бренд яратди. Ота ишлаб чиқаришининг пойдеворини тиклаган бўлса, қиз маҳсулотнинг номини, қадоғини аниглади, сифатини яхшилади, харидоригр бозор излади. Энг муҳими, унинг маҳсулоти юртимиз бозоридида қолиб кетмади. Экспортга чиқди.

Бу икки авлод орасидаги оддий фарқ эмас, истиқлол йилларида тадбиркорлик тафаккури қанчалар улғайганини кўрсатуви мезон. Истиқлолимиз аввалида ишлаб чиқаришни бошлашининг ўзи катта жасорат эди. Бугун эса тадбиркордан маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўзи эмас, уни дунёга танитиш талаб этилмоқда. Маҳсулотнинг номи, қадоғи, сифати, бренди, бозори, экспорт географиясини ҳам талаб даражасига етказиш тадбиркорнинг зиммасида.

Демак, бугунги тадбиркор аёл кечагидан кўра қаттароқ вазифани елкасига олган. Бу вазифаларни адо этиш жараёнининг фақат ютуқлари эмас, синовлари ҳам бор. Аслида, қийин кун келганида тадбиркорнинг чинакам қиёфаси кўринади.

Бу ҳақиқат Моҳидил Назарованинг тадбиркорлик йўлида яна бир қарра аён бўлди. Хомашё қимматлади, рақобат кучайди, бозор ўзгарди. Харидорнинг эртанги талабини бутун ҳис қила олиши шарт. Рақобатни ўрганиши, янги йўлни қилиши зарур.

Шу маънода, аёлнинг қўлидаги меҳнат қуроли ўзгаргани каби унинг иқтисодий фикрлаш тарзи ҳам ўзгармоқда. Ана шу ўзгаришни янада катта қўлдангани Хоразм вилояти Гултан туманидаги тадбиркор Наргиза Бекмуртова мисолда кўрамиз. Наргизани шунчаки тадбиркор аёллар рўйхатига қўшиб қўйиш у қадар тўғри бўлмайди. Чунки унинг фаолияти аёл тадбиркорлигининг энг муҳим мезонларидан бири — иш берувчига айланиш қудратини кўрсатади.

Тўқимачилик соҳасидаги биринчи фабрикасида 300 аёл иш билан таъминланди. Бу рақам ортда уч юзта иш жойини эди, уч юзта тақдир бор. Кимдир фарзандининг эҳтиёжини қоплайди. Кимдир оиласига муносиб даромад олиб қиради.

Қаҳрамонимиз эришган нуқтасида тўхтамади. Иккинчи фабрикани очди ва яна юздан зиёд иш ўрни яратди. Натижада тўрт юздан ортқ аёлнинг меҳнати бир тадбиркорлик ташаббуси билан боғланди. У 2025 йилда Анқарада ўтказилган халқаро танловда хотин-қизлар учун энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор аёл сифатида қолиб бўлди. Маҳаллий тадбиркорлик ташаббуси халқро майдонга чиқди. Бир тадбиркор аёлнинг меҳнати бошқа аёллар учун даромад манбаи ва қадрга айланади.

Келтирган мисолимиз аёл тадбиркорлигининг маъноси яна бир поғона баландга кўтарилганлигини далилламайдими?!

Кўриб турганимиздек, ҳикоя қилаётганимиз тадбиркорларнинг юриб келаётган йўллари бир хил эмас. Бири мусофирликдан қайтди, бири кичик цехда иш бошлади. Бири отасининг тадбиркорлик тажрибасини янги босқичга олиб чиқди. Бири бозорнинг қаттиқ синовидан ўтди. Бири бутун бир ҳудудда аёлларнинг меҳнатини бишлаштирди. Аммо уларнинг барчасини бир нуқтада бириштириб турган кун бор: ўз тақдирига эга эгалик қилиш матонати.

Бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш сиёсати яна бир йўналишни бишлаштириб турибди. Бу ерда мақсад фақат кредит бериш эмас. Аёлни бизнесга тайёрлаш, унинг билим ва қўникмасини ошириш, ҳуқуқини ва иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, ўзини ўзи таъминлайдиган даражада олиб чиқишга ҳизмат қиладиган тизим яратиш бутуннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

2019 йилда қабул қилинган қатор қарорларда хотин-қизлар тадбиркорлик марказларини ташкил этиш, аёлларни бизнес-режа тузиш, солиқ, бухгалтерия ва ахборот технологияларига ўқитиш, тадбиркорлиқни бошлаётган хотин-қизларга йиллик 8 фоз ставкада, уч йилгача муддатга, олти ойлик имтиёзли давр билан кредит бериш, ресурсларнинг каммида ярмини қишлоқ жойларидаги аёллар бизнесига йўналтириш каби механизмлар белгиланган. Қоғозга тушган бу рақамлар ва белгиланган муддатларнинг ўзи ҳали натижа эмас.



Демак, қарор қоғозда чиқади, имтиёз меъёрий ҳужжатда белгиланади, аммо унинг ҳақиқий қиймати тадбиркорнинг меҳнати билан ўлланади. Шунинг учун имтиёзнинг “давлат берган енгиллик” эмас, тадбиркорнинг зиммасига юклатилган масъулият деб қараш тўғри бўлади. Давлат имконият эшигини очилиши мумкин. У эшикдан кириш, уни кенгайтириш, ортдан бошқаларни ҳам эргаштириш тадбиркорнинг иродасига боғлиқ.

“Аёллар дафтарини” ҳам шу жанрдадан айириб бўлмайди. Унинг моҳияти — муаммода қолган аёлнинг ҳақиқий аҳволини тасаввур қилиш, унингча кириб бориб, ишсизлигини, қабсизлигини, иқтисодий қийин аҳволини аниқлаш, аниқлашдан эҳтиёжларини ечимга олиб бориш эди. 2021 йилда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг бандлиги ва тадбиркорлигини таъминлаш бўйича тикувчилик, ҳунармандчилик, қасаначилик, паррандачилик, томорқачилик каби йўналишлар билан бирга тадбиркор бўлиш истагидаги хотин-қизларни бизнес ва талаб юқори касбларга ўқитиш, кредит ресурсларини йўналтириш вазифалари ҳам белгиланди.

Давлат сиёсатидоги катта бурилиш шунда кўринади: ёрдам фалсафасидан имконият фалсафасига ўтди. Аёлга бир марта ёрдам

бериб қўйиш эмас, ўзини ўзи таъминлайдиган даражага чиқиши учун шароит яратиш кун масаласига айланди. Чунки доимий ёрдам инсонни эҳтиёжманд, боқиманда қилиб қўяди. Ўзига ишончини йўқотди, заифлашади, кичради... Имконият эса унинг оёққа туришига қўмакчи бўлади.

Шу нуқтада давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларга оид ташаббуслари ижтимоий сиёсат доирасидан чиқиб, иқтисодий сиёсатнинг муҳим қисмига айланади. Фикримизни рақамлар билан далиллаймиз. 2026 йил хотин-қизлар байрами арафасидаги нутқда Президентимиз мамлакатда 230 мингта яқин тадбиркор аёллар синфи шаклланиши, фермер аёллар 12 минг нафарга етганини таъкидлади. Ўтган йили хотин-қизларнинг бандлиги ва тадбиркорлигини таъминлаш учун 23,5 триллион сўм кредит йўналтирилиб, 425 мингдан зиёд опа-сингилларимиз тадбиркорликка жалб қилинганини айтди. Икки юз ўттиз минг. Бу рақамлар билан боғлиқ юксалиши бир зум тасаввур қилиб кўрайлик.

Бу — 230 мингта бизнес тарихи. 230 мингта оила, шунча тақдир. Бироқ тадбиркорлиқни фақат кредит билан қуриб бўлмайди. Аёл ўзини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган ҳис қилмаса, катта бизнесга қадам қўймайди.

Шунинг учун хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш механизмларининг кучайтирилиши ҳам тадбиркорлик юксалишининг бир қисми. Чунки амалдаги қонуларга ишонсагина аёл катта таваккалга қўл уради. Катта шартномалар тузишдан қўрқмайди. Мулки ҳимояланишига ишонган инсон ишлаб чиқаришни кенгайтиради.

Демак, аёл ҳуқуқини ҳимоя қилиш — аёл тадбиркорлигини ҳимоя қилишининг ҳам бир қисми. 35 йил олдин “Аёлга нима бериш керак?” деган савол кўпроқ эшитилган бўлса, бугун “Аёлнинг имкониятини қандай қилиб янада катта иқтисодий кучга айлантирамиз?” деган савол олдимизда турибди. Бу саволнинг жавоби эса эртанги тараққиётнинг мезони бўлади.

Бахтни фақат маъишӣ фаровонлик билан ўлчаб бўлмайди. Бахт — ўз меҳнатининг қийматини ҳис қилиш, ўз даромадида эга бўлиш, иқтисодий эркинликка фарзандининг келажагини белгилаш қафолати эканлигини англаш.

Бир сўз билан айтганда, аёлга берилган имконият унинг шахсий ҳаёти доирасида қолиб кетмайди. Бу имконият юрт иқтисодиётига риёвожга, жамият тараққиётига рағбат берувчи воситага айланади.

Мустақиллик бизга фақат эркинлик эмас, ўз эркинлигимизни иқтисодий қудратга айлантириш имкониятини ҳам бери. Ўттиз беш йил давомида авлодлар ўзгарди, иқтисод ўзгарди, имкониятлар ўзгарди. Аммо бир нарсa собит қолди: бу инсонлар қалбидаги ўз юртига керак бўлиш истаги.

Момоларимиз канал қазиб юрт қорига яради. Улар исмларини, заҳматларини айтмасдан зиммасидаги бурчини жимгина бажарди. Ўзларини халқимиз тарихига ижобий таъсир кўрсатган инсонлар деб ўйламадилар. Фақат юртга керак бўлишни, оиласига наф келтиришни истади.

Бугунги аёл эса қўлига белкурак билан бирга тикув машинасини, замонавий

дастдохни, компьютерни, бизнес режани олди. Кеча рўзгорини асраш учун меҳнат қилган аёл бугун корхона қуриб, юзлаб иллонли ризқ эшигини очмоқда. Уларнинг ҳаётида кеча ҳам бор, бугун ҳам бор, эрта ҳам бўлади. Утмиши — оғир меҳнат, бугунги имконият, келажагида эса янада қатта ниятлар бор. Шунинг учун эртанги янги Ўзбекистон аёлга фақат “қўллаб-қувватлаймиз”, деб ваъда бериб қўймаслик керак. Унга ишонч билдириш зарур, унинг билимига сармоя киритиш керак. Унинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, маҳсулотига дунё бозоридан жой излаш зарур.

Момақаймоқ гуллари яна бир бор эслайман.

“Ердаги қуёшчалар булар” деган устозимизнинг овози қўлоғимда яна жаранглайди. Ўшанда биз гулни кўрган эканмиз. Устоз эса умиддан кўрган экан. Бугун ҳам ерда минг-минглаб қуёшчалар бор. Улар даштда ҳам, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам, кичик цехда ҳам, катта фабрикада ҳам атрофига нур сочиб турибди. Баъзининг илдири ҳали тупроқни ёриб чиқишга уринапти. Баъзиларининг нур қўллари қуёшга туташган.

Истиқлол бизнинг йўлларимизни нурафшон қилди. Мустақилликнинг 35 йили бизга фақат кечани эслашни эмас, бугунни англашни, эртани қуришни ҳам ўргатди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2026 йил 13 январда 1047-қарар билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Боборован Гозидинов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 00:20 Топширилди — 02:00

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

